

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

1 (4) 2024

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 1(4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори. сиёсий фанлар номзоди. профессор.

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳақимов Назар Ҳақимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гўлнора Абдукаҳхаровна –
т

Гурдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;
Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Mustafoyev Abubakr Muhiddin o'g'li</i> XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI TAVSIFI (1-qism).....	9-14
<i>Mirzayev Avazbek</i> ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI	15-21
<i>Алиджанова Лазизахон Аббасовна</i> ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР	22-28
<i>Sobirov Sardorbek Abdusattor o'g'li</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA IMPERIYALARI RAQOVATI	29-34
<i>Джалолов Бахром Джамолович</i> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ	35-39
<i>Махматкулова Нозикой Чориёевна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR SIYOSATI	40-45
<i>Ochilov Farhod</i> ЎЗБЕКИСТОНДА О'ZINI О'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING АНОЛИНИ ИЖТИМОИЙ НИМОYA QILISHDAGI FAOLIYATI	46-52
<i>Ҳамроева Нодира Нормуродовна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР	53-58
<i>Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ	59-65
<i>Tursunov Ravshan Normuratovich</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON O'LKASIDA SODIR BOLGAN ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR	66-71

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи</i> СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИ	72-78
<i>Ro'zmetov Bahodir Shomurotovich</i> TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI TA'MINLASHDAGI O'RNI	79-90
<i>Shanazarova Nilufar Baratovna</i> MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING АНАМИYATI	91-99
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i> АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ	100-109

<i>Болтаев Нурали Шираматович</i> АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ	110-118
<i>Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович</i> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ	119-124
<i>Жураева Гульзира</i> АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ	125-130
<i>Akbarov Husan O'zbekxonovich</i> BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA NOPARAMETRIK USULLARI	131-136
<i>Yaqubova Yulduz Raimovna</i> KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQRISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH KO'RSATKICHLARI	137-147
<i>Рахимбаев Акмал Азатбоевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАШ	148-157
<i>Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li</i> SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY SHARTI	158-170
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА	171-175
<i>Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна</i> ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА АЛИ ДЖИННЫ	176-181
<i>Nasimov Azizbek Azimovich</i> АХВОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МОНИЯТИ	182-186
<i>Norkulov Olim Nasimovich</i> GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA TA'SIRI	187-191
<i>Хасанов Бобуржон Хакимович</i> ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	192-197
<i>Quramboyev Alisher Maxsudovich</i> YANGI O'ZBEKISTON VA IJTIMOY DAVLATCHILIK	198-204
<i>Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli</i> SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING IJTIMOY- FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuvi" asari asosida).....	205-214

<i>Shukurov Orif Jumaboyevich</i> JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOYIY AKTIVLIGINI OSHIRISH XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI	215-219
10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Akhmedov Oybek Saporbayevich</i> THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION “TERM” AND “TERMINOLOGY” IN LINGUISTIC SURVEYS	220-227
<i>Ravshanova Gulrukhbegim Qaxramon qizi</i> ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ	228-232
<i>Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna</i> AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIY ADABIYOTDAGI TALQINI	233-237
<i>Uliqova Mavludaxon</i> “QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON BO’LISHI	238-243
<i>Rahmonov Asror ibni Nusrat</i> HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O’RNI	244-252
<i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloevna</i> SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI	253-258
<i>Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna</i> INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOYIY-MADANIY FARQLAR	259-265
<i>Vokhidova Tamanno Saidjonovna</i> MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION	266-271
<i>Djurayeva Shahlo G’ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna</i> INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARINING BADIY SEMANTIKASI	272-277
12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Uzakova Go’zal Sharipovna</i> O’ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA “YASHIL QURILISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY MASALALARI	278-286
<i>Murzaev Shuxrat Shavkatovich</i> СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ	287-293
<i>Qosimov Botirjon Ma’rufjon o’g’li</i> SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL	294-301
<i>Islombek Abdikhakimov</i> QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES	302-309
<i>Hodjaeva Shirinxon Olimxon kizi</i> ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ	310-315
<i>Jiyenbayev Bahadir Ospanovich</i> EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA’MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA	316-322
<i>Aliyev Sobir Tursunboevich</i> СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	323-329

Адембаев Аралбай Куралбаевич

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ
ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ 330-339

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников

ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-
ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ
ПЕРСПЕКТИВЫ 340-346

Хаййева Ирода Адамбаевна

TALABALARGA ZAMONAVIY O'ZBEK SHE'RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI
TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI 347-351

Ayatov Raximberdi Ibragimovich

XORIJIIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO'Z VA IBORALARNI
O'QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH 352-357

Saidova Dilobar Ikrambayevna

MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOIIY XULQ-ATVORNI
RIVOJLANTIRISH ZARURATI 358-361

Eshqobilov Elmurod Menglimurod o'g'li

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING
KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH
METODIKASI 362-367

Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ 368-375

Janonova Sitora Berdinazarovna

ТА'ЛИМ ВА ТАРБИYA ТАРАҚҚИYOTИДА КОММУНИКАТИV КОМПЕТЕНСИYA
TUSHUNCHASINING O'RNI 376-381

Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи

ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО
СИФАТИДА 382-387

Bakhadirova Shoxina Nadir kizi

INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQ VA
TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO'RINISHDA O'QITISH 388-392

Qurbonova O'lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloevna

OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI 393-397

Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI
RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION
METODLARI 398-403

Ҳамроева Нодира Нормуродовна
Термиз давлат университети
Юридик факультети, Давлат ва ҳуқуқ асослари
кафедраси ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ МУОММОЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада Туркистон Автоном Республикасида янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки йилларида қишлоқ аҳолиси орасида айнан камбағал деҳқон қатламлари миқдори бирмунча қисқарди. Бунга юқорида айтиб ўтилганидек, бозор муносабатлари ижобий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи бир томондан 1921-22 йиллардаги ер ислоҳоти ижобий таъсир кўрсатган эди. Бу йилларда ўртаҳол деҳқонларнинг салмоғи сезиларли даражада ўсди.

Калит сўзлар: “Меҳнат учун фойдаланиш нормаси”, ўртаҳол деҳқон ери, иш ҳайвони, деҳқончилик асбоблари, уруғлик, ВКП, КП(б), вақф мулклари.

Hamroeva Nodira Normurodovna
Teacher of the Faculty of Law,
State and Legal Foundations Department of
Termiz State University

SOCIAL PROBLEMS IN THE PROCESS OF LAND-WATER REFORM IN UZBEKISTAN

Abstract. In this article, in the first years of the new economic policy in the Autonomous Republic of Turkestan, the number of poor peasants among the rural population decreased somewhat. As mentioned above, market relations had a positive effect on this, and on the other hand, the land reform of 1921-22 had a positive effect. During these years, the weight of middle-class farmers increased significantly.

Key words: "Usage norm for labor", middle-class peasant husband, working animal, agricultural tools, seed, VKP, KP(b), endowment properties.

Ҳамроева Нодира Нормуродовна
Преподаватель юридического
факультета кафедры государственно-правовых основ
Термезского государственного университета

СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ В ПРОЦЕССЕ ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНОЙ РЕФОРМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В данной статье в первые годы новой экономической политики в Туркестанской Автономной Республике численность крестьян-бедняков среди сельского населения несколько снизилась. Как уже говорилось выше, положительное влияние на это оказали рыночные отношения, а с другой стороны, положительный эффект имела земельная реформа 1921-22 годов. За эти годы вес фермеров среднего класса значительно увеличился.

Ключевые слова: «Нормы использования труда», муж-крестьянин, рабочее животное, сельскохозяйственные орудия, семена, ВКП, КП(б), имущественные свойства.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик пролетариатига – қарол, етим ва корандалар, қишлоқ ярим пролетариатига – мардикорлар, майда деҳқонларга – вақфдор, яримчи, чорикорлар кирган. Улар умумий ҳолда батрақлар деб аталган. Батрақлар гуруҳига ерсиз қишлоқ меҳнаткашлари бўлмиш қароллар, мардикор ва корандалар, хизматкорлар, подачилар ва бошқалар кирган.

Батрақлар ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаганликлари учун муайян муддат (хафта, ой, йил, қишлоқ хўжалик мавсумига) ёлланганлар. Меҳнати эвазига ҳақни пул билан, баъзан келишув бўйича натурада олганлар.

Ўзбекистон шароитида мардикор деб аталган ижтимоий гуруҳ, қишлоқ ярим пролетарларини ташкил қилар эди. Мардикорлар муайян бир ишни ёки юмушни бажариш учун бир кунга, ҳафта, ой ёки қишлоқ хўжалик мавсумига ёлланганлар. Улар малакали мутахассис ҳисобланмаган ва тирикчилик ўтказиш мақсадида учраган ишни бажариб кета берган. Мардикорларни бирон – бир гуруҳга мансуб санаб, бу иш уларнинг доимий касби деб ифодалаш тўғри эмас. Чунки унинг таркиби жуда ўзгарувчан бўлган.

Майда деҳқонлар – бу гуруҳга 1 десятинадан 3 десятинагача ери бўлган деҳқонлар кирган. Бу хўжаликларнинг ўзига хослиги, унда деҳқон ёлланма ишчи кучини жалб қилмаган ҳолда ерга оила аъзолари билан ишлов берган. Фарғона областида майда деҳқонлар барча деҳқонларнинг 30,1 фоизини ташкил этгани ҳолда, улар 23,4 % ерга эгалик қилганлар [1; Б.119.]. Бу хўжаликларнинг учдан бирида ишчи ҳайвон (от, хўкиз) йўқлиги боис, уни ижарага олишга мажбур бўлган. Ўзбек қишлоқларидаги иқтисодий муносабатлар тизимида шариатга асосланган чорикорлик, ижарачилик ва шериклик муносабатлари алоҳида ўрин тутган.

Ўзбекистон шароитида ўртаҳол деҳқонлар ўзини-ўзи таъминлаш имконияти бўлган, лекин мавсумий ёлланма меҳнатдан фойдаланиб турадиган кишилардан иборат бўлган. Ҳар доим ҳам бу таъриф бўйича ўртаҳолни аниқлаш имкони бўлмаган. Шу боис, турли районларда ер ва экин майдонига қараб белгилашга ҳаракат қилинган. Кўп ҳолларда шартли тарзда 3 десятинадан 5 десятинагача ери бўлган хўжаликлар ўртаҳол деб топилган. Масалан, Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитаси кўрсатмасига биноан бойни ўртаҳолдан, ўрта ҳолни камбағалдан фарқини аниқлаш учун тузилган “учлик” комиссиянинг ҳулосасига кўра 1,5 таноп ери, 20-25 қўйи, 1 ёки 2 та омочи, 1 ёки 2 та араваси, сув бор жойларда иккитадан чиғири бор хўжаликлар ўртаҳол ҳисобланган [2; Б.133.].

Ўзбек қишлоқларидаги ўртаҳол деҳқон ери, иш ҳайвони, деҳқончилик асбоблари, уруғлик ва бошқалар билан яхши таъминлангани ҳолда асосан ўз ери ва қисман ижарага олган ерида меҳнат қилган. Пахта экини кўп меҳнат талаб қилганлиги учун хўжаликлар совет қонунчилигида белгиланган муддат ва миқдорда ўз шароитига қараб мавсумий ёлланма меҳнатдан фойдаланган. Етиштирган ҳосилининг бир қисмини бозорга чиқариб сотган [6; Б.82.].

Миллий-худудий чегараланишдан кейин Ўзбекистонда аграр ўзгаришларнинг янги босқичи бошланди. 1924-1925 йилларда қишлоқ хўжалигида ўлканинг меҳнат қилишга лаёқати бўлган аҳолисининг 85 фоизи банд эди. Аграр сектор маҳсулотларининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотни қарийб 80 фоизини ташкил этарди. Саноатнинг 90 фоизи қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди. Бундай шароитда аграр ислохотлар ўтказилиши чуқур ижтимоий аҳамиятга эга эди.

20 йилларнинг ўрталарига келиб ўзбек қишлоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволида бир оз силжишларга эришилди. Сабаби, янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан деҳқонлар эркинроқ нафас олаётган эди. Озиқ-овқат развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, айрим бозор механизмларининг тикланиши қишлоқ меҳнаткашларига ортиқча маҳсулотларини сотиш, қишлоқ хўжалик экинларини кўпайтириш имконини берди. Натижада деҳқон хўжаликларини товар билан таъминланиши ошди, аҳолини турмуш даражаси бирмунча кўтарилди.

Аграр соҳадаги бирмунча илгари силжишларга қарамай, қишлоқ хўжалигини тиклашга доир асосий масалалар ҳали ечилмаган, вазият мураккаблигича қолаётган эди. 1924 йилда деҳқончиликда фойдаланилган ерлар республикадаги мавжуд экин майдонларининг фақат 58,7 фоизинигина ташкил қилди, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса 1913 йилдаги даражанинг 47,2 фоизини ташкил этарди [3; Б.15.].

1921-1922 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти ерсиз ва кам ерли деҳқонлар масаласини ва тақсимотини тўла ҳал қилмади. Бу ислоҳот асосан ўлкадаги рус деҳқонлари билан маҳаллий деҳқонлар ихтиёридаги ерларни бараварлаштириш масаласига қаратилган эди. Қисқача айтганда, 1921-1922 йиллардаги аграр ислоҳот чор Россияси мустамлакачилик тартиблари асосларини тугатди. Бироқ, ўлкада кўп ерлилик ва кам ерлилик сақланиб қолаверди.

Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати ВКП(б) Ўрта Осиё бюроси кўрсатмалари асосида 1925 йилда бошланган Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳотини амалга оширишга асосий эътиборни қаратди. Ўзбекистон КП(б) иккинчи съезди (1925 йил 22–30 ноябрь) “Ер ислоҳоти тўғрисида”ги резолюциясида қишлоқда ерга хусусий мулкчиликка барҳам бериш ва Ўзбекистон республикаси доирасида ер ва сувни национализация қилиш ишига амалий равишда киришиш вазифасини қўйган эди [4; Б.87.]. Унга кўра, ислоҳотни 1926 йил баҳорида иқтисодий жиҳатдан кўпроқ ривожланган Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида бошлашга қарор қилинди. Ўзбекистон ССР Марказий ижроқўми ва Халқ Комиссарлар Советининг 1926 йил 16 декабрдаги “Зарафшон вилоятида ер-сув ислоҳоти ўтказиш тўғрисида”ги декрети, 1927 йил 13 ноябрдаги 138 – сонли “Андижон округининг Ойим кентида ер-сув ислоҳоти ўтказиш тўғрисида”ги қарори ва ЎзССР МИҚнинг 1928 йилнинг 1 ноябридаги 192 – сонли “Ўзбекистон ССРнинг Қашқадарё ва Сурхондарё округларида йирик меҳнатсиз равишда ердан фойдаланишни тугатиш ҳақида”ги қарорлари ва уларни кенгайтириш юзасидан қабул қилинган дастурамал (инструкциялар)да белгиланган нормадан ортиқ суғориладиган ерлари бўлган мулк эгаларининг ерлари қаерда яшашидан қатъий назар жонли ва жонсиз деҳқончилик асбоблари билан мусодара қилинди. Хусусан, Фарғона вилоятида 40 десятина, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 50 десятина, Зарафшон вилоятида 35 десятина, Андижон округида 30 десятина, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 20 гектар суғориладиган ва 45 гектар ва ундан ортиқ баҳорикор ерга эга бўлган хўжаликларнинг мол – мулки мусодара объекти ҳисобланди. 1929 йилда ислоҳот Қорақалпоғистонда ўтказилди. Декрет ва қарорларда ҳар бир вилоят ва районлар учун “меҳнат учун фойдаланиш нормаси” жорий этилди. Бу миқдор ҳар бир районнинг ҳолатига қараб турлича белгиланди ва ер – сув ислоҳоти марказий комиссияси томонидан тасдиқланди. Фарғонада 5 десятина, Самарқанд ва Тошкентда 10 десятина, бутун республика бўйича

эса ўртача 4 десятинагача қилиб белгиланди [5; Б.331.]. Мусодара қилинган ёки қирқиб олинган нормадан ортиқ бўлган ерлар, жонли ва жонсиз деҳқончилик асбоблари билан бирга давлат ер фондига киритилди.

Ўзбекистон ССР да ер – сув ислоҳоти ўтказилиши натижасида 4801 хўжалик тугатилди, 23036 хўжаликнинг ортиқча ерлари тортиб олинди, ер фондига 474393 десятина ер қўшилди, 89729 хўжаликка ер берилди. Шу билан бир қаторда вақф мулклари ҳам тортиб олинганди. Ер-сув ислоҳоти натижасида асрлар давомида шаклланган йирик ер эгаллигини тугатишиб, ерлар ерсиз ва кам ерли деҳқонларга жуда оз миқдорда бўлиб берилди. Ислоҳот жараёнида шаклланган 474893 десятина ер фондининг фақатгина 10 фоизи ерсиз деҳқонларга тақсимланган, холос. [5; Б.334.]. Қолган ер фонди базасида дастлабки колхоз ва совхозлар ташкил этилган.

1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидаги ижтимоий гуруҳлар дифференциацияси ва мулкий табақаланишида сезиларли ўзгаришлар юзага келди. Ислоҳот арафасида қишлоқдаги камбағаллар Ўзбекистондаги барча деҳқонларнинг 76% ни ташкил этган бўлса, 1928 йилга келиб 43 % га қисқарди, ўртаҳол деҳқонларнинг миқдори 17 % дан 52 % га ўсди, бойлар эса фақатгина 5 % ни ташкил этди [1; Б.119.]. Бу рақамлар ер – сув ислоҳотидан кейин ўртаҳоллар қишлоқдаги марказий сиймога айланганлигидан далолат беради. Аммо, деҳқонларнинг ўртаҳоллашув даражаси Иттифоқнинг марказий районлари билан таққослаганда озроқ фоизни ташкил этган. Чунончи, 1929 йилда ўртаҳол деҳқонлар Иттифоқ миқёсида 74 %, камбағаллар 21 % ни, бой – қулоқлар 5 % ни ташкил этган.

Ёппасига коллективлаштириш арафасида Ўзбекистондаги ўртаҳол деҳқонлар қишлоқдаги марказий сиймога айланган бўлиб, барча деҳқонларнинг 52% ни ташкил этган. Ерсиз ва кам ерли камбағаллар 43 % ни, бой деҳқонлар эса фақатгина 5 % ни ташкил этди. Большевиклар ўзбек қишлоқларида асрлар давомида шаклланган ижтимоий муносабатларни назар писанд қилмасдан, аксинча қишлоққа коммунистик мафқурани, синфлар ўртасидаги кураш ғоясини мажбурий сингдиришга эришдилар. Қишлоққа нисбатан синфий ёндашув ёппасига коллективлаштириш жараёнида жуда катта хатоликларнинг келиб чиқишига, қонунбузарликларнинг юз беришига ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ўта қўпол равишда поймол қилинишига шароит яратди.

Хулоса. Хулоса қиладиган бўлсак Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалиги ниҳоятда қолоқ эди. Ерга ишлов бериш асбоб-анжомлари етишмас, техника воситалари деярли йўқ ҳисобида эди. Шунинг учун ҳам ҳосилдорлик ниҳоятда паст бўлиб, етиштирилган маҳсулот эҳтиёжни қопламас эди. Бу даврда шаҳарликларни озиқ-овқат билан таъминлаш кескин муаммога айланди.

Совет мамлакатида 1921 йилда янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши билан эркин савдо-сотиққа, тадбиркорликка маълум шароит яратилганидан кейингина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳам ривожлана бошлади. НЭП шароитида Туркистонда, кейинчалик Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ўсиб борди. Кооперативлар деҳқон хўжаликлари билан етиштириладиган маҳсулотни олдиндан контрактация қилар ва бу бўйича уларни маблағ билан таъминлар эди. Етиштирилган маҳсулот эркин нархларда шаҳарга кооперативлар орқали етказила бошлади.

Янги иқтисодий сиёсат даврида Ўзбекистонда бир қатор аграр ислохотлар амалга оширилди. Ерсиз ва кам ерли деҳқонлар маълум миқдорда ер билан таъминланди. Лекин бу ер таъминоти совет ҳукумати томонидан бошқа деҳқон хўжаликларидан “ортиқча” деб ҳисобланган ерларини тортиб олиш ҳисобидан амалга оширилди. Лекин 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислохоти Ўзбекистондаги ерсизлик муаммосини тўла ҳал қилмади. Ислохотдан кейин ҳам республикада ерсизлик ва кам ерлилик сақланиб қолди. Ислохот давомида тортиб олинган ерлар ҳисобидан асосан колхоз ва совхозлар ташкил қилинган эди.

Янги иқтисодий сиёсат йилларида янги йўналишда ташкил этилган қишлоқ хўжалик кооперацияси тизими фаолияти қишлоқ хўжалигини иқтисодий жиҳатдан тикланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш сезиларли даражада ўсиб борди. Шу билан бирга кооперация тизими халқ хўжалигини тўғри ва оқилона тарзда ривожлантириш муаммоларини тўла ҳал қила олмади. Бунинг асосий сабаби кооперация тизимининг давлатлаштириш ҳаракатининг авж олиши ва унинг фаолияти партия назоратига олиниши билан боғлиқ эди.

Совет ҳукумати кооперация тизими орқали ҳам қишлоқ аҳолисининг турли ижтимоий қатламларига табақалаштирилган сиёсат олиб борди. Бунда қишлоқнинг нисбатан бақувват хўжаликлари – “бой-қулоқлар”га нисбатан иқтисодий чеклаш олиб борилди. Бундай хўжаликлар кооперативларга аъзо қилинмади, унинг имтиёзларидан чекланган миқдорда фойдаланди. Совет давлати кооперациялар орқали қишлоқ аҳолисига нисбатан айирмачилик сиёсатини олиб бориб, қишлоқнинг ижтимоий қатламлари ўртасида адоват кайфиятини юзага келтирди. Ер масаласи билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг товарлик хусусиятини ошириш муаммоси ҳам кескин бўлиб турарди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, аграр ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, ишлаб чиқариш муносабатларида феодал-патриархал шакллари устунлиги иқтисодий ўсиш жараёнларига, шаҳар билан қишлоқ аҳолиси моддий фаровонлигининг ошишига тўсқинлик қиларди. Бу эса, аграр муносабатларни тубдан янгилаш, ер-сув ислохотини ўтказиш зарурияти етилганлигини англатарди. Барча ривожланган мамлакатлар ана шу босқични ўтганлар. Чунки биринчи бор «буржуа инқилоби» қўйган аграр вазифани ҳал қилмай туриб, чуқур бозор ислохотларини амалга оширишга йўл очиш мумкин эмасди. Ўзбек қишлоғидаги мулкӣ ер тенгсизлигини тугатиш учун йирик ер эгаларидан ерни давлат сотиб олиб уни ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тарқатиш маъқул бўлар эди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Изменение классово́й структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти (1917 – 1980 гг.). – Т.: Фан, 1984. – С. 119.
2. Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср). – Т.:Ижод дунёси, 2004. – Б. 133.
3. Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. Госиздат УзССР, 1950. – С. 15.
4. Ўзбекистон Коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. –Т.: Ўздавнашр, 1958. – Б. 87.

5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 331-334.
6. Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йиллар) – Т.: “Шарқ”, 2012. – Б. 82.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 1 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).